ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ТОЖИБОЕВ ОЛИМЖОН РУСТАМОВИЧ

УЗАТИЛИШ РЕАКЦИЯЛАРИДАН ^{7}Be, ^{25}Mg, ^{25}Al ЯДРОЛАРИНИНГ СПЕКТРОСКОПИК ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА РАДИАЦИОН ҚАМРАШ ^{12}C+p РЕАКЦИЯСИНИНГ ЧИҚИШ КАТТАЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ ЯДРОВИЙ АСТРОФИЗИКАДА ҚЎЛЛАШ

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК 539.17

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences

Тожибоев Олимжон Рустамович
Узатилиш реакцияларидан ^{7}Be, ^{25}Mg, ^{25}Al ядроларининг спектроскопик хусусиятлари ва радиацион қамраш ^{12}C+p реакциясининг чиқиш катталигини аниқлаш ва уларни ядровий астрофизикада қўллаш..... 3

Тожибоев Олимжон Рустамович
Определение спектроскопических характеристик ядер ^{7}Be, ^{25}Mg, ^{25}Al из реакции передачи и выхода радиационного захвата ^{12}C+p, и их применение в ядерной астрофизике..... 23

Tojiboyev Olimjon Rustamovich
Determination of the spectroscopic characteristics of nuclei ^{7}Be, ^{25}Mg, ^{25}Al from the transfer reactions and yield of the radiative capture ^{12}C+p, and their application in nuclear astrophysics……. 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….. 52

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ТОЖИБОЕВ ОЛИМЖОН РУСТАМОВИЧ

УЗАТИЛИШ РЕАКЦИЯЛАРИДАН ^{7}Be, ^{25}Mg, ^{25}Al ЯДРОЛАРИНИНГ СПЕКТРОСКОПИК ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА РАДИАЦИОН ҚАМРАШ ^{12}C+p РЕАКЦИЯСИНИНГ ЧИҚИШ КАТТАЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ ЯДРОВИЙ АСТРОФИЗИКАДА ҚЎЛЛАШ

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/FM185 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Артемов Сергей Викторович**
физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Олимов Косим**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Полвонов Сатимбой Ражапович
физика-математика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2019 йил « » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “____”_____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Э.М. Турсунов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.,
катта илмий ходим

И. Нуритдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда ядро қуйи ҳолатлари тузилиши ҳақида ишончли маълумотларни олишга қайта эътибор берилмоқда. Кўп жиҳатдан, бу космик технологиясининг ривожи ва экспериментал имкониятларнинг ортиши билан боғлиқ бўлган жадал ривожланаётган ядровий астрофизика эҳтиёжлари билан белгиланади. Бошқа томондан, сўнги ўн йилларда, юқори аниқликда ўлчанган тажриба натижалари таҳлилидан моделдан деярли боғлиқ бўлмаган маълумотларни, хусусан бир заррали ядро ҳолатларининг асимптотик нормировка доимийларини (АНД) олиш имконини берувчи, ядровий астрофизикада кенг қўлланилаётган назарий ёндашувлар ишлаб чиқилган. Ушбу маълумотлар ядроларнинг замонавий назарий моделларини ва реакция механизмларини текшириш, ҳамда юлдузли жараёнлардаги ва бирламчи нуклеосинтездаги Гамов энергетик ойнаси соҳасида астрофизик S-факторларни ҳисоблаш учун зарур. Бироқ, астрофизика учун муҳим бўлган енгил ядролар, жумладан бериллий, углерод ҳамда магний иштирокидаги нуклон ва альфа узатилиш реакцияларига тегишли бўлган экспериментал маълумотларнинг аксарияти ўтган асрда олинган ва катта хатоликларга эга, ёки замонавий ёндашувлар доирасида таҳлил қилинмаган. Шу боис ушбу ишда амалга оширилган магний изотоплари иштирокидаги (d,p) ва (d,t) реакцияларининг экспериментал тадқиқотлари, бу ва ^{12}C ядролари билан ўзаро таъсирларда альфа-заррача узатилиш жараёнларини батафсил таҳлил қилиш долзарб ва зарур ҳисобланади.

Бугунги кунда нуклон ва альфа-зарралар радиацион қамраш каби ядровий астрофизик жараёнларнинг чиқиш ҳамда кесим катталикларини имкон қадар юлдузлар температурасига тўғри келувчи қуйи энергияларда кичик хатоликлар билан ўлчаш имконини берувчи янги экспериментал усулларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Кесим (астрофизик S-факторлар) катталикларини ўлчашга бугунги кунда катта эътибор берилаётган ^{12}C каби астрофизик муҳим ядролар учун бундай жараёнларнинг чиқиш катталиклари бўйича муқобил маълумотлар жуда ҳам кам. Шунинг учун ушбу ишда активацион методининг янги вариантини яратиш, ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиб радиацион қамраш реакцияларининг чиқиш қийматлари бўйича янги маълумотларни олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда асосий эътибор қуйи энергияли ядро физикаси соҳасидаги фундаментал тадқиқотларни амалга оширишга қаратилмоқда. Ўзбекистонда ушбу соҳада дунёга маълум бўлган мактаб яратилди ва у қуйи (~5-20 МэВ/N) ҳамда ўта қуйи (< 0.5 МэВ) энергияларда ядровий жараёнларни ўрганишда муҳим натижаларга эришди. Мамлакатимиз илм-фан ривожи ҳамда фундаментал тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ қилиш учун фундаментал тадқиқотларнинг муҳим йўналишлари Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йиллардаги Ҳаракатлар

стратегиясига[1] киритилган. Ушбу ишда олиб борилган тадқиқотлар, дунёда замонавий тадқиқотларнинг олди ҳисобланувчи ядровий астрофизика муаммолари, бошқариладиган термоядро жараёнлари физикаси, жумладан ядро энергетикаси билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида", 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон "Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг ядро марказлари етакчи олимлари, жумладан америкалик (A.M. Mukhamedzhanov, P.E. Tribble, K. M. Nollett, K.E. Rehm ва бошқалар), японияли к (T. Kajino, T. Motabayashi, K. Ogata, H. Hidetoshi), италиялик (C. Spitareli, M. La Cognata), козоғистонлик (Н. Буртебаев, Л. Ибраева, М. Жусупов) ва бошқалар томонидан енгил ядроларнинг бир заррали ҳолатлари учун АНД ва спектроскопик фактор (СФ) қийматларини аниқлаш ва уларни радиацион қамраш реакцияларининг астрофизик S-факторини ҳисоблашда фойдаланиш мақсадида нуклон ва кластер узатилиш периферик ядро реакциялари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистонлик олимлар (С.В. Артемов, Р. Ярмухамедов, Г.К. Ни, ва бошқалар) томонидан бир қатор енгил ядроларда (d,t) ва (^{3}He,d) нуклон узатилиш периферик реакциялари ўрганилди. Олинган АНД қийматлари *pp*-занжири ва CNO водород ёниш циклининг бир қанча реакциялари астрофизик S-факторининг экстраполяцион қийматларини ҳисоблашда ишлатилди.

Протоннинг ^{12}C ядроси томонидан радиацион қамраш реакцияси (CNO-циклнинг кириш реакцияси) канадалик олимларнинг (C.Rolfs ва бошқалар) дастлабки ишларида ўрганилган. Тошкент (С.В. Артемов ва бошқалар) ва Пекин (Li Zhi Hong ва бошқалар) гуруҳлари томонидан олинган {^{12}C+p} системанинг АНД қийматлари бир-биридан 30% дан ортиққа фарқ қилади. Н. Буртебаев, Р. Ярмухамедов ва бошқаларнинг ишларида Гамов пики яқинидаги энергияларда (~20-25 кэВ) экстраполяция қилиш учун бу реакциянинг кесим катталигини тўғридан-тўғри қамраш механизми устун келувчи энергия соҳаларида аниқ ўлчаш зарурияти кўрсатилган. Бу

[1] 2017 йил 07 февральдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

реакциянинг тезлигини муқобил усуллар билан, шунингдек, унинг чиқиш катталиги орқали ҳам баҳолаш муҳим саналади.

$^{3}He(\alpha,\gamma)^{7}Be$ радиацион қамраш реакцияси бирламчи нуклеосинтезнинг муҳим жараёни ва юлдузларда водород ёниш *pp*–занжирининг асосий ҳалқаларидан бири ҳисобланиб, юқори энергияли Қуёш нейтриноларининг оқимини белгилайди. Астрофизик аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, бу реакция юқори аниқликда қуйи энергия соҳаларига яқинлашган ҳолда 50 йиллар давомида тажриба асосида ўрганилиб келинмоқда. Яқинда LUNA ҳамкорлик доирасида (F. Confortola, D. Bemmerer ва бошқалар) ушбу реакциянинг астрофизик S- фактори ~ 93 кэВ энергиягача ўлчанди, ҳамда унинг қиймати 23 кэВ энергияда билвосита метод билан Қуёш нейтриносини ўлчаш орқали баҳоланди (Marcell P. Takács, D. Bemmerer ва бошқалар). Ўзбек олимлари Р. Ярмухамедов ва К. Турсунмахатовлар томонидан E≥90 кэВ энергияларда ушбу эксперименталь маълумотлар таҳлилидан олинган АНД қийматларидан фойдаланиб, S-факторнинг экстраполяцион ҳисоб ишлари амалга оширилган. Бироқ АНД қийматига аниқлик киритилиши лозим.

^{24}Mg-^{25}Al системасида протон узатилиши ($d,^{3}He$) реакциялардан фойдаланган ҳолда 18 ва 20 МэВ энергияларда B. Mertens (Германия) (1970), 33 МэВ энергияда F. Entezami (Буюк Британия) (1981), 38.5 МэВ энергияда R.J. Peterson (АҚШ) (1975) ишларида ва ^{24}Mg-^{25}Mg системасида нейтрон узатилиши E.W.Hamburger (АҚШ) (1960), В.В. Токаревский ва бошқалар (Украина), И.Р. Гуламов ва бошқалар (Ўзбекистон) (1990) ишларида ўрганилган. Бироқ, {^{24}Mg+p} ҳолатининг АНД қиймати фақат С.В. Артемов, С.Б. Игамов ва бошқалар (Ўзбекистон) ишларида аниқланган. Бу қиймат MgAl циклининг биринчи занжир ҳалқаси ҳисобланиб $^{24}Mg(p,\gamma)^{25}A1(\beta+)^{25}Mg(p,\gamma)^{26}A1(\beta+)^{26}Mg$ цикларида протоннинг ^{24}Mg ядросидаги радиацион қамраш реакциясининг астрофизик S-факторини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. ^{26}Mg изотопининг ҳосил бўлиш механизми юлдузлар нуклеосинтези моделларининг тасдиқланишида асосий ўрин тутади, чунки Коинотдаги юлдуз нуклеосинтези давомийлигининг биринчи далили ҳисобланувчи $^{26}A1(\beta+)^{26}Mg$ β–парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган γ-линияси аниқланди. Шунинг учун {^{24}Mg+p} да протон боғланган ҳолатнинг АНД қийматини аниқлаштириш лозим.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши ЎзР ФА Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф2-ФА-Ф114 рақамли «Паст энергияли реакцияларда ҳосил бўлувчи экзотик ядроларнинг ҳусусиятларини ва енгил элементларни пайдо бўлишини ўрганиш» (2012-2016) ва Ф2-ФА-Ф117 рақамли «Ядровий астрофизикада ядро фундаментал хусусиятларининг динамик хоссалари устида тадкикотлар» (2012-2016) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нуклон ва альфа-кластер узатилиш периферик ядро реакциялари таҳлилидан $^{24}Mg(p,\gamma)^{25}Al$ ва $^{3}He(\alpha,\gamma)^{7}Be$ радиацион қамраш реакцияларининг S-факторини ҳисоблаш учун $^{3}He+\alpha\rightarrow^{7}Be$; $^{24}Mg+n\rightarrow^{25}Mg$;

$^{24}Mg+p\rightarrow^{25}Al$ феноменологик асимптотик нормировка доимийлари қийматларини, ҳамда, $^{12}C(p,\gamma)^{13}N$ радиацион қамраш реакциясининг чиқиш катталигини ва реакция тезлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ядро реакцияси чиқиш катталигининг кичик қийматларини ўлчашда янги активацион усулни ишлаб чиқиш;

экспериментал маълумотлардан ядро реакциясининг чиқиш катталигини олиш алгоритмини ишлаб чиқиш ва тегишли дастур таъминотини яратиш;

янги активацион усулни амалга оширувчи ЭГ-2 тезлаткичида яратилган MAIS экспериментал қурилмасининг асосий хусусиятларини аниқлаш ва тест ўтказиш;

ЭГ-2 тезлаткичида олинган протонлар оқимида $^{12}C(p,\gamma)^{13}N$ реакциясининг чиқиш катталигини 190 – 650 кэВ энергия доирасида ўлчаш ишларини амалга ошириш;

14.5 МэВ энергияли дейтронларни $^{24,25}Mg$ ядролардаги эластик сочилиши, ҳамда $^{24}Mg(d,p)^{25}Mg$ ва $^{25}Mg(d,t)^{24}Mg$ нейтрон узатилиши реакцияларининг дифференциал кесимини (ДК) ўлчаш ишларини ўтказиш;

Такомиллаштирилган тўлқинларнинг бузилиши асосидаги усул орқали $^{24}Mg(d,n)^{25}Al$, $^{24}Mg(^{3}He,d)^{25}Al$, $^{25}Mg(d,t)^{24}Mg$, $^{24}Mg(d,p)^{25}Mg$, $^{12}C(d,^{6}Li)^{8}Be$ ва $^{12}C(^{3}He,^{7}Be)^{8}Be$ реакцияларининг экспериментал ДКни таҳлил қилиш ва бир заррали боғланган ҳолатлар $^{3}He+\alpha\rightarrow^{7}Be$; $^{24}Mg+n\rightarrow^{25}Mg$; $^{24}Mg+p\rightarrow^{25}Al$; $^{3}He+\alpha\rightarrow^{7}Be^{*}$ (E^{*}=0.430 МэВ) учун АНД квадратлари ва $^{24}Mg+n\rightarrow^{25}Mg$ учун СФ қийматларини олиш;

$^{12}C(p,\gamma)^{13}N$ радиацион қамраш реакцияси чиқиш катталигининг ўлчанган қийматидан фойдаланиб, ушбу реакция тезлигини қуйи энергияларда ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ядровий астрофизика реакцияларида қатнашувчи енгил ядроларнинг бир заррали ҳолатлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб нуклон ва альфа-зарра узатилиш периферик ядро реакциялари ҳамда енгил ядролар иштирокидаги қуйи ва ўта қуйи энергиялардаги радиацион қамраш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Реакциянинг зарядли маҳсулларини кремнийли детекторлар телескопларида ΔE-E усул орқали қайд қилиш, ҳамда турларга ажратишда ва гамма-квантларни сцинтилляцион спектрометрларда қайд қилишда яхши маълум бўлган ва ишонарли экспериментал усуллардан, шунингдек маълумотларни қайта ишлашнинг умумий статистик усулларидан фойдаланилди. Маълумотларни таҳлил қилиш учун хозирги кунда кенг миқёсда фойдаланилаётган такомиллаштирилган тўлқинларнинг бузилиши асосидаги усул қўлланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

радиоактив ядролар ҳосил бўлиши билан рўй берадиган зарядланган зарралар радиацион қамраш реакцияларининг кичик қийматли чиқиш катталикларини ўлчаш учун активацион усулнинг янги варианти ишлаб чиқилган;

$^{12}C(p,\gamma)^{13}N$ реакциясининг чиқиш катталиги биринчи марта 350 кэВ дан

қуйи энергияларда ўлчанган ва унинг тезлиги юлдузлар ҳароратида ($0.01 \le T_9 \le 1.0$) ҳисобланган;

дейтронларнинг E_d=14.5 и 18 МэВ энегияларда ^{24,25}Mg+d эластик сочилиши, ҳамда ^{24}Mg(d,p)^{25}Mg ва ^{25}Mg(d,t)^{24}Mg реакцияларининг экспериментал дифференциал кесим қийматлари 8° дан 44° бурчак оралиғида юқори аниқликда олинган;

^{25}Mg ва ^{25}Al ядроларининг {^{24}Mg+n} ва {^{24}Mg+p} бир заррали боғланган конфигурациялари учун асимптотик нормировка доимийларининг квадратик қийматлари $C^2_{25Mg\to24Mg+n}$=1.72±0.07 Фм$^{-1}$, $C^2_{25Al\to24Mg+p}$=4.57±0.49 Фм$^{-1}$, ҳамда ^{25}Mg ядросининг ^{24}Mg+n конфигурацияси асосий ҳолати учун спектроскопик фактор қиймати олинган $Z_{25Mg\to24Mg+n}$ =0.41±0.12;

^{7}Be ядросининг асосий (J^π=3/2$^-$, E*=0.0 МэВ) ва биринчи уйғонган (J^π=1/2$^-$, E*=0.430 МэВ) ҳолатларида ^{3}He+α→^{7}Be системасида α-заррали боғланган конфигурация учун асимптотик нормировка доимийларининг квадратик қийматлари олинган $C^2_{7Be\to3He+\alpha}$=22.9±0.7 Фм$^{-1}$, $C^2_{7Be\to3He+\alpha}$=18.0±0.5 Фм$^{-1}$.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

зарядланган зарраларнинг радиацион қамраш барьер ости жараёнларида чиқиш катталикларни ва астрофизик S-факторнинг жуда кичик қийматларини ўлчаш имконини берувчи активацион усул вариантини амалга ошириш учун экспериментал ускуна яратилган;

реакция чиқиш катталиги ва астрофизик S-факторини юлдузлар энергиялари соҳаларида экстраполяция қилиш учун аҳамиятли ва зарур бўлган протоннинг ^{12}C ядросида радиацион қамраш ядровий астрофизик жараённинг 190 – 650 кэВ энергиялар оралиқларида чиқиш катталиги олинган;

енгил ядроларнинг бир заррали боғланган ҳолатлари учун асимптотик нормировка доимийсининг қийматлари олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган экспериментал маълумотлар бўйича реакциянинг зарядли маҳсулларини кремнийли детекторлар телескопларида қайд қилиш ва идентификациялашда ишончли ва кенг қўлланилувчи ΔE-E – усул ва аннигиляцион гамма-квантларни қайд қилишда сцинтилляцион усуллардан фойдаланилганлиги, етарли даражада статистик таъминланганлиги, экспериментал усулларнинг диққат билан калибровка қилинганлиги ва синов ўлчашларнинг мавжуд маълумотлар билан мос келишлиги, шунингдек экспериментал маълумотларни қайта ишлашнинг ва тахлил қилишнинг умумий статистик усулларидан фойдаланганлиги билан асосланади.

Ядро сатҳлари тўғрисидаги спектроскопик маълумотлар хозирги вақтда тан олинган радиацион қамраш ва нуклон узатилиш периферик ядро реакциялари тахлилининг назарий моделлари доирасида олинди ва бошқа тадқиқотчиларнинг экспериментал натижалари ва назарий хулосалари билан яхши мос келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ^{3}He+α→^{7}Be,

$^{24}Mg+n \rightarrow ^{25}Mg$, $^{24}Mg+p \rightarrow ^{25}Al$ учун аниқланган асимптотик нормировка доимийларининг қийматлари, бу қийматларни олдиндан айтиб берувчи енгил ядроларнинг бир заррали сатхлари тузилиши назарий моделларининг тўғрилигини текшириш имконини беради. Улардан ($^{3}He+\alpha$) қўшилиш ва ^{24}Mg ядроларида нуклонни радиацион қамраш реакцияларининг кесимларини экспериментал эришиб бўлмайдиган ўта қуйи энергиялар соҳаларида экстраполяцион ҳисобларда фойдаланиш, юқори энергетик Қуёш нейтринолари оқимини ва юлдузларда водород ёниш Mg-Al циклида тўғридан-тўғри жараён улушини тегишлича баҳолаш имконини беради. ^{12}C ядроларида протон радиацион қамраш реакцияси чиқиш катталигининг ўлчанган қийматлари юлдузларда водород ёниш CNO – циклида ушбу жараённинг тезлигини альтернатив назарий баҳолаш имконини беради.

Натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, зарядли зарралар радиацион қамраш жараёнларида жуда кичик қийматли чиқиш катталикларини ўлчаш активацион усулининг ишлаб чиқилган янги варианти ядровий астрофизика соҳасидаги фундаментал тадқиқотларда қўлланилиши билан бирга, амалий мақсадлар – тез нейтронлар ва зарядланган зарралар оқимларида активацион таҳлилда ҳам ишлатилиши мумкин. Ярим емирилиш даври бир неча ўн секундлардан то бир неча ўн соатларгача бўлган деярли ҳар қандай емирилиш маҳсулотларини ўлчашни ўз ичига олувчи «PROMPT» ҳамда «ACTIVATION» имкониятлари сабабли, ушбу усул турли хил экспериментал масалаларга мослашувчан ҳисобланади.

Енгил ядроларнинг асосий ва қуйи боғланган ҳолатларининг асимптотик нормировка доимийларининг олинган феноменологик қийматлари енгил ядроларнинг бир заррали ҳолатлари бўйича тузилишини назарий моделлар асосида ўрганишда ва ядро реакцияларининг кесимларини экстраполяцион йўл билан ҳисоблашда, шунингдек ядровий астрофизикада ҳам ишлатилиши мумкин.

Углеродда протон радиацион қамраш реакцияси чиқиш катталигининг олинган экспериментал қийматларини қуйи энергияли ядро реакциялари назарияси ҳамда ядровий ва термоядровий ускуналар материалшунослигида ҳам қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ^{12}C, $^{24,25}Mg$ ядроларида узатилиш реакцияларни ва радиацион қамраш реакцияларни тадқиқ қилишдан олинган натижалар асосида:

радиацион қамраш реакцияларининг чиқиш ва кесим катталикларини ўлчаш учун активацион усулнинг ишлаб чиқилган варианти “Астрофизик ва ядровий жараёнлар тадбиқи учун 1p-қобиқ ядроларда енгил ионлар таъсиридаги ядро реакцияларининг кесимларини ўлчаш” (2018-2020) мавзусидаги лойиҳа доирасида зарядланган зарраларни радиацион қамраш ядровий астрофизик реакцияларни тадқиқ қилишда фойдаланилган (Козоғистон Республикаси Энергетика Вазирлиги ҳузуридаги Ядро физикаси институтининг 2019 йил 29 апрелдаги 34-11-01-04/571 - сонли маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши радиацион қамраш

реакцияларининг жуда кичик қийматдаги кесим катталикларини ўлчаш имконини берган;

E_d=14.5 и 18 МэВ энегияларда ^{24,25}Mg+d эластик сочилиш, ҳамда ^{24}Mg(d,p)^{25}Mg ва ^{25}Mg(d,t)^{24}Mg реакцияларининг олинган экспериментал дифференциал кесим қийматлари, шунингдек ушбу реакциялар таҳлилидан олинган АНД қийматлари МТМ “Курчатов институти” Ядро реакциялари лабораториясида қуйи энергияли ядро реакцияларини тадқиқ қилишда фойдаланилган (МТМ “Курчатов институти”нинг 2019 йил 26 апрелдаги маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши Козоғистон Республикаси Ядро физикаси институти У150-М циклотрони ҳамда Варшава Университети Оғир ионлар лабораторияси С200-Р циклотронлари оғир ионлар дасталарида янги тажрибаларни режалаштириш ва тадқиқ қилиш имконини берган;

магний изотопларида нуклон узатилиш периферик реакциялари таҳлилидан ^{25}Mg ва ^{25}Al ядроларининг {^{24}Mg+n} ҳамда {^{24}Mg+p} ҳолатлари учун олинган АНД қийматлари “Астрофизик ва ядровий жараёнлар тадбиқи учун 1р-қобиқ ядроларда енгил ионлар таъсиридаги ядро реакцияларининг кесимларини ўлчаш” (2018-2020) мавзусидаги лойиҳа доирасида Ядро физикаси институти тезлаткичларида тажрибаларни ўтказишда фойдаланилган (Козоғистон Республикаси Энергетика Вазирлиги ҳузуридаги Ядро физикаси институтининг 2019 йил 29 апрелдаги 34-11-01-04/571 сонли маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши магний изотопларининг протон қамраш ядровий астрофизик реакцияларини экспериментал тадқиқ қилишда муҳим бўлган кесим катталигини баҳолаш имконини берган;

^{12}C(d,^{6}Li)^{8}Be ва ^{12}C(^{3}He,^{7}Be)^{8}Be реакциялар таҳлилидан ^{3}He+α→^{7}Be учун олинган АНД қийматлари, ҳамда E_d=14.5 и 18 МэВ энергияларда ^{24,25}Mg+d эластик сочилиш ва ^{24}Mg(d,p)^{25}Mg ва ^{25}Mg(d,t)^{24}Mg реакцияларининг олинган экспериментал дифференциал кесим қийматлари “Енгил ядроларнинг асимптотик нормировка доимийларини аниқлаш” мавзусидаги лойиҳа доирасида фойдаланилган (Варшава Университети Оғир ионлар лабораториясининг 2019 йил 20 майдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Варшава Университети С200-Р циклотрони оғир ионлар дасталарида янги тажрибаларни режалаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйҳатидан иборат.

Диссертациянинг умумий ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "**Периферик узатилиш реакциялари кесимидан АНД ва СФ олиш усуллари**" деб номланган биринчи бобида зарралар узатилиши ядро реакцияларининг, жумладан, периферик узатилиш ядро реакцияларида (такомиллаштирилган тўлқинларнинг бузилиши асосидаги усул) асосий назарий усулларнинг қисқача таҳлили келтирилган. Иккинчи ҳолатда эса ядровий астрофизикада Қуёш ва катта массали юлдузлар қаърида рўй берадиган ядро реакциялари тезликларини ҳисоблашда муҳим ўрин тутувчи моделдан деярли боғлиқ бўлмаган спектроскопик маълумотларни олиш мумкинлиги кўрсатилган.

Шу билан бирга, периферик узатилиш ядро реакциялари $A(x,y)B$ учун, бунда $B=A+a$ ва $x=y+a$ (бу ерда x – енгил ядролар d, t, ^{3}He; a – узатилаётган заррача, нуклон ёки α-кластер), $I_{Aa;l_B j_B}(r)$ қопланиш интеграли радиал қисмининг асимптотик кўриниши, $r > r_N$ ядро таъсирлари соҳасидан ташқарида $\{A+a\}$ ва $\{y+a\}$ боғланган ҳолатларда бир заррали тўлқин функциясининг радиал боғлиқлигига ўхшаш бўлади ва қуйидаги ифода орқали аниқланади (агар a –зарядланган зарра бўлса):

$$I_{Aa;l_B j_B}(r) \approx C_{B\to Aa;l_B j_B} \frac{W_{-\eta_B l_B+1/2}(2\kappa_{Aa} r)}{r}, \qquad (1)$$

бу ерда $C_{B\to Aa;l_b j_B}$ - $A+a\to B$ (ва $y+a\to x$ учун ҳам) конфигурация учун тўлқин функциялар қопланиш интеграли нормировкасини периферияда аниқловчи $B=\{A+a\}$ боғланган ҳолат асимптотик нормировка доимийси (АНД), $W_{\alpha;\beta}(...)$ - Уиттекер функцияси, $\eta_B = Z_A Z_a e^2 \mu_{Aa} / \kappa_{Aa}$ - $B=\{A+a\}$ боғланган ҳолат учун Кулон параметри, $\kappa_{Aa} = \sqrt{2\mu_{Aa}\varepsilon_{Aa}}$, μ_{Aa} - A ва a зарраларнинг келтирилган массалари, ε_{Aa} - B ядросининг $\{A+a\}-$ каналига нисбатан боғланиш энергияси.

Битта узатилувчи момент l ($l_B=l$ ва $j_B=j\pm=l\pm s$, s - a заррача спини) устун келувчи фаразга кўра, такомиллаштирилган тўлқинларнинг бузилишига асосланган усулда периферик реакциянинг дифференциал кесими (ДК) спектроскопик фактор (СФ) билан эмас, АНД квадратлари кўпайтмалари билан аниқланади:

$$\frac{d\sigma}{d\Omega} = C^2_{B;l,j+}[R_{j+}(E,\theta;b_{l,j+},b_x) + \lambda R_{j-}(E,\theta;b_{l,j-},b_x)\,, \qquad (2)$$

$\lambda = (C_{l,j-})^2/(C_{l,j+})^2$ ва

$$R(E,\theta;b_{l,j}) = \left(\frac{C_x}{b_x}\right)^2 \frac{\sigma^{DW}(E,\theta;b_{l,j})}{b^2_{l,j}}\,, \qquad (3)$$

бу ерда $\sigma^{DW}(E,\theta;b_{l,j\pm})$ – тўлқинларнинг бузилишига асосланган усулда DWUCK5 прграмма алгоритмидан фойдаланган ҳолда ҳисобланувчи нуклон узатилишнинг «бир заррали» ДК. b_x ва $b_{l,j\pm}$– мос равишда x ва B ядролар потенциалида узатилаётган a заррача боғланган ҳолатининг бир заррали тўлқин функцияси учун «бир заррали» асимптотик нормировка доимийси. Умумий ҳолда АНД квадрати C^2 ва СФ Z қуйидаги ифода билан боғланган бўлиб,

$$C^2 = Zb^2\,, \qquad (4)$$

тўлқинларнинг бузилишига асосланган усулда ҳисобланувчи периферик амплитуда абсолют нормировкасининг тўғрилигини таъминлайди ва кичик бурчакларда реакция дифференциал кесимига аососий ҳиссасини қўшади.

Периферик бўлишлик шарти:

$$R(E,\theta;b_{l,j}) = R(b) \approx const \qquad (5)$$

R функция қийматининг моделдан боғлиқ $b_{l,j}$ катталикнинг ўзгаришидан, шунингдек боғланган ҳолат потенциали геометрик параметрларининг бир хил эмаслигидан деярли боғлиқ бўлмаслиги талаб этилади. Бу, (2) ифодадан агар $x=\{y+a\}$ учун АНД қиймати маълум бўлса, $B=\{A+a\}$ учун АНД қийматини деярли моделсиз аниқлаш имконини таъминлайди. Қайд этиш лозимки, бунда $b_{l,j}$ ва $\sigma^{DW}(E,\theta;b_{l,j})$, шунингдек СФ ҳам боғланган ҳолат модел потенциали геометрик параметрларидан сезиларли равишда боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг **«Радиацион қамраш чиқиш катталиклари ва узатилиш реакцияларининг дифференциал кесимларини ўлчаш усуллари, эксперименталь маълумотлар»** деб номланган иккинчи бобида икки эксперименталь усуллар – эксперименталь маълумотларни олиш учун ишлатилган циклотрон дастасида узатилиш реакцияларининг ДК ўлчаш усули ҳамда ўта қуйи энергияларда ядровий-астрофизик реакцияларининг чиқиш ва кесимини ўлчаш учун активацион усулнинг ишлаб чиқилган варианти таснифи ёритилган.

Биринчи усулда эксперименталь қурилма илгари ЎзР ФА ЯФИ да ишлаб чиқилган ва ҚР ЯФИ ходимлари билан ҳамкорликда У-150М тезлаткичининг ион ўтказгичига ўрнатилган. Умумий ҳолда ўлчаш усули зарралар оқимини коллимациялаш системаси билан биргаликда реакция камерасини, нишон ва детектрлаш системаларини, реакция махсуллари спектрларини ўлчаш ва идетификациялаш ΔE-E-усулини амалга оширувчи NIM стандартидаги

спектрометрик электроникани, ҳамда маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш учун махсус ишлаб чиқилган программа таъминотини ўз ичига олади.

1-расмда циклотрон дастасида ядро реакциясининг зарядланган махсуллари спектрларини ўлчаш блок-схемаси келтирилган. Реакция камерасида ΔE ва E яримўтказгичли детекторлардан иборат 3 та телескоп, ҳамда нишон ҳолатини назорат қилиш учун монитор детектори мавжуд. Нишондан ўтган дасталар оқими Фарадей цилиндрида ютилади ва ҳар бир ўлчаш учун унинг оқими интегралланади ва сақланади. Телескоплардаги спектрометрик сигналлар кучайтирилади ва мос келтирилгандан сўнг икки ўлчамли кўпканалли импульслар анализаторига тушади (1-расм), шундан сўнг икки ўлчамли ΔE-E –спектрлар шахсий компьютерда йиғилади. Кейин рақамлаштирилган маълумотлар экспериментал ДК олиш учун of-line режимда махсус программа таъминоти билан қайта ишланди.



1-расм. Циклотрон дастасида ўлчаш блок-схемаси

Магний нишонлар сифатида қалинликлари 0.82 ва 0.78 мг/см^2 бўлган юқори даражада бойитилган ^{24}Mg ва ^{25}Mg металл фольгалари ишлатилди. Ўлчанган кесимлардаги систематик хатолик нишонлар қалинлигидаги ноаниқлик (~6%), спектрометрнинг фазовий бурчагига тегишли ноаниқлик (1%) билан боғлиқ, статистик хатолик бурчак тақсимотининг асосий максимумида 1-5% ташкил этади, ва умумий экспериментал хатолик 8-10% дан ошмайди.

Дейтронларнинг ^{24,25}Mg ядроларида эластик сочилиш ва ^{24}Mg(d,p)^{25}Mg, ^{25}Mg(d,t)^{24}Mg реакциялар ДКнинг бурчак тақсимоти асосий максимумни ўз ичига олувчи бурчакларда E_d=14.5 ва 18 МэВ энергияларда ўлчанди (2-расм). Ўлчанган ДК (адабиётларда келтирилган маълумотлар билан бирга) 3 бобда ^{24}Mg+n→^{25}Mg$_{o.c.}$ учун феноменологик АНД ва СФ қийматларини аниқлаш мақсадида тўлқинларнинг бузилишига асосланган усулда таҳлил қилинди.



2-расм. E_d=14.5 МэВ энергияли дейтронларда $^{24}Mg(d,p)^{25}Mg$ (учбурчак) ва $^{25}Mg(d,t)^{24}Mg$ (айлана) реакцияларининг экспериментал ДК

2 бобнинг 2.3 бўлимида β^+-актив сўнгги ядро ҳосил бўлиши билан рўй берувчи $A(a,\gamma)B$ зарядланган зарралар радиацион қамраш реакцияси чиқиш катталиги Y_B(E) нинг кичик қийматларини ўлчаш учун активацион усулнинг ишлаб чиқилган ва тузилган янги варианти баён қилинган. Реакция чиқишига $Y(E)$ E энергияли a заррачалар бирлик оқимининг қалинлиги a заррачалар югуриш йўлидан катта бўлган нишондаги A ядролар билан ўзаро таъсирлашувида хосил бўлган B ядролар сони тушунилади:

$$Y(E) = n_A \int_0^E dE' / S_x(E') \times \sigma(E') = n_A \int_0^E W_1(E') \times \sigma(E') dE' \qquad (6)$$

бу ерда n_A – нишон моддадаги A ядролар концентрацияси, $S_x(E')$ – нишондаги модда узунлик бирлигида заррачалар оқимининг солиштирма ионизацион йўқотилиш функцияси, $\sigma(E')$ – реакция тўлиқ кесими.

Усулнинг ўзиги хос хусусияти нишон нурланишининг ва аннигиляцион квантларни қайд қилишнинг берилган нурлантириш ва ўлчаш даврларида автоматик равишда даврий такрорланиши хисобланади, ва схематик тарзда 3-расмда кўрсатилган.



3-расм. Маълумотлар тўпланиш тартибининг кўрсатилиши. Чапда - «оний» γ-квантлар спектрларининг йиғилиши, ўнгда – ҳосил бўлган радиоактив ядролар емирилишининг йиғилиши

Бунда даврлар давомийлиги фойдали ва фон саноқларининг нисбатини яхшилаш учун оптималлаштирилади, нурланиш оқимининг интеграл саноғи ва аннигиляцион квантларнинг саноғини тўплаш, оқим интенсивлигининг вақт бўйича ўзгаришини хисобга олиш, охирги ядроларнинг ярим емирилиш даврини аниқлаш учун ҳар бир даврда градацияларга (мос равишда i ва j индекслар) бўлинади.

Даврларнинг умумий сони керакли статистика билан аниқланади.

Нурланиш оқими интеграторидан ва аннигиляцион квантлар мослашувидан автоматик алмашинувчи тез счетчикларда қайд қилинаётган саноқлар шахсий компьютер хотирасида даврлар бўйича икки ўлчамли саноқлар матрицаси Nγγ(i,j) кўринишида йиғилади, сўнг махсус ишлаб чиқилган дастур таъминотида таҳлил қилинади. Бундай тарзда йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш ва улардан реакция чиқиш катталигини олиш аҳамиятли вазифа ҳисобланади, чунки оқим ўзгаришига тузатиш киритишдан ташқари, парчаланиш эгри чизиғи орқали керакли ядрони идентификациялаш ва фақат унинг парчаланишидан ҳосил бўлган саноқларни ажратиш, бошқа энергияли ўлчашга ўтишда ва бир ўлчаш давридан иккинчисига ўтишда нишонда йиғилувчи қолдиқ активликни эътиборга олиш лозим бўлади. Ушбу қолдиқ активликлар ва фоннинг улуши баҳоланади ва $N_{\gamma\gamma}(i,j)$ нинг саноқ қийматларидан чиқариб юборилади. Шундан сўнг, барча даврий ўлчашлардаги йиғиндилар (i индекс бўйича) нишондаги β^+ - актив аралашма ядролар таркибини график тарзда таҳлил қилувчи саноқ тезлиги массивига $V_{\gamma\gamma}(j)$ ўтказилади. *B* ядроларнинг a_B фойдали активлиги билан, текширилаётган реакциянинг чиқиши Y_B орасидаги охирги ифода мураккаб тузилишга эга бўлади:

$$a_B = C \cdot Y_B \cdot (1/\delta t_{irr}) \cdot (1 - e^{-\lambda \cdot \delta t_{irr}}) \cdot e^{-\lambda \cdot t_{irr}}) \cdot \sum_{i=1}^{i_{\max}} \sum_{m=1}^{i} \left[e^{-\lambda \cdot \Delta t \cdot (j-m)} \cdot \sum_{k=1}^{k_{\max}} \{ N_{m,k}^{I} \cdot e^{k \cdot \lambda \cdot \delta t_{irr}} \} \right] \quad (7)$$

бу ерда C – интеграторни калибровкалашдаги (импульс/кулон) ва формулага киритилган ўлчаш бирликларини ҳисобга олган ҳолдаги доимий; $N_{m,k}^{I}$ экспериментнинг “*m*-чи” давридаги оқим интеграторининг “*k*-чи” саноғи; t_{irr} – даврдаги нурлантириш вақти; δt_{irr} - нурлантириш вақтини бўлиниш интервали.

Шундай қилиб, реакциянинг *E* белгиланган энергиядаги чиқиш катталиги ёки тўлиқ кўнгдаланг кесимини аниқлаш тартиби, экспериментал маълумотлардан бизни қизиқтирган охирги *B* ядрога нисбатан эффектив a_B активликни олишга асосланади.

Ишлаб чиқилган такомиллаштирилган активацион усулни амалга оширувчи экспериментал қурилма ЭГ-2 «СОКОЛ» электростатик тезлаткичида йиғилди (ЯМФМТИ ходимлари билан ҳамкорликда), чунки тезлаткич ўзининг параметрларига кўра енгил ядроларда протон радиацион қамраш ядро-астрофизик жараёнларни тадқиқ қилиш имконини беради.

4-расмда ионўтказгичнинг оқимда аралашма компоненталарни чекловчи ажратувчи магнитдан (1) кейинги бир нечта қисмлари, ҳамда қурилманинг қисмлари схематик кўрсатилган.



1- ажратувчи магнит, 2- тирқишли коллиматор. 3 – оқим узгич, 4 – кўрувчи ойна, 5 – оқимни шакллантирувчи диафрагма, 6 – чегараловчи ҳалка, 7 – электроизоляцияли уланиш, 8 – азот қопқони, 9 – нишон камераси, 10 – оқим траекторияси, 11 – нишон, 12 – нишонлар тутқичи, 13 – сувли совутиш системаси, 14 – экранловчи фольга, 15 – қўрғошинли конвертер, 16 – кремнийли детектор. Ўнг томондаги қисмда сцинтиляцион NaI(Tl) кристали ва HPGe-детектор схематик тасвирланган

4-расм. Оқим ташувчи система ва экспериментал қурилма

Нишон камераси ён томонларида 3 та гардишли Т-шаклли труба кўринишидаги ички диаметри 40 мм ли зангламайдиган пўлатдан тайёрланган. Камера ионўтказгичнинг бошқа қисмларидан изоляция қилинган бўлиб, нишонга келиб тушаётган оқимни интеграллаш учун Фарадей цилиндри бўлиб хизмат қилади.

Детекторлаш системаси қалинлиги 50 мм ли қўрғошин ҳимоя девори билан ўралган иккита сцинтилляцион NaI(Tl) детекторларидан ва қайд қилиш нисбий эффективлиги 40% бўлган, ҳамда энергия барқарорлигини, ўрганилаётган реакциядан “оний” гамма-квантларни детекторлаш орқали назорат қилувчи HPGe – детектордан иборат

Яратилган усулнинг ишлашини текшириш ва созлаш учун $^{12}C(p,\gamma)^{13}N$ реакциянинг чиқиш катталиги протоннинг $^{12}C+p$ системада биринчи резонансга тўғри келувчи энергия соҳаларида (E_r=457 кэВ) ўлчанди ва адабиётлардаги шу энергия соҳаларидаги мавжуд ишончли қийматлар билан яхши мос келиши аниқланди.

Ишлаб чиқилган усулда реакциянинг чиқиш катталиги 190≤E≤650 кэВ энергиялар соҳаларида ўлчанди, ўлчаш натижалари 1-жадвалда келтирилган. Чиқиш катталиги бўйича ўлчаш натижалари 4 бобда $^{12}C(p,\gamma)^{13}N$ радиацион қамраш реациясининг тезлигини ҳисоблашда фойдаланилди.

Ер=550 ва 650 кэВ энергияларда олинган қийматлар хатоликлар чегарасида Seagrave J.D. (Phys. Rev. 84 (1951) p.1219) ишдан олинган натижаларга тўлиқ мос тушади (жадвалда ярим қора шрифт билан ажратилган).

1-жадвал

$^{12}C(p,\gamma)^{13}N$ реакциянинг чиқиш катталиги бўйича экспериментал натижалар

E_p, кэВ (лаб)	Y(E), 1/протон	E_p, кэВ (лаб)	Y(E), 1/протон
190	$3.96\cdot10^{-14}\pm3.09\cdot10^{-14}$	457	$2.57\cdot10^{-10}\pm4.62\cdot10^{-12}$
200	$5.62\cdot10^{-14}\pm2.89\cdot10^{-14}$	467	$3.50\cdot10^{-10}\pm1.45\cdot10^{-12}$
210	$8.06\cdot10^{-14}\pm1.87\cdot10^{-14}$	475	$4.57\cdot10^{-10}\pm8.68\cdot10^{-12}$
230	$1.85\cdot10^{-13}\pm2.82\cdot10^{-14}$	485	$5.32\cdot10^{-10}\pm1.01\cdot10^{-11}$
257	$3.71\cdot10^{-13}\pm3.47\cdot10^{-14}$	500	$5.67\cdot10^{-10}\pm1.13\cdot10^{-11}$
300	$1.29\cdot10^{-12}\pm6.90\cdot10^{-14}$	550	$6.37\cdot10^{-10}\pm1.07\cdot10^{-11}$ **$6.81\cdot10^{-10}\pm4.77\cdot10^{-11}$(*)**
350	$5.38\cdot10^{-12}\pm1.48\cdot10^{-13}$	600	$6.77\cdot10^{-10}\pm1.26\cdot10^{-11}$
400	$2.26\cdot10^{-11}\pm5.75\cdot10^{-13}$	650	$7.26\cdot10^{-10}\pm1.20\cdot10^{-11}$ **$7.19\cdot10^{-10}\pm5.03\cdot10^{-11}$ (*)**
447	$1.62\cdot10^{-10}\pm1.62\cdot10^{-12}$		

Диссертациянинг **«Узатилиш реакцияларининг дифференциал кесимларини таҳлил қилиш, АНД ва СФ аниқлаш»** деб номланган учинчи бобида нейтрон узатилиши $^{24}Mg(d,p)^{25}Mg$, протон узатилиши $^{25}Mg(d,t)^{24}Mg$, $^{24}Mg(d,n)^{25}Al$, $^{24}Mg(^3He,d)^{25}Al$ ва α–заррачалар узатилиши $^{12}C(d,^6Li)^8Be$, $^{12}C(^3He,^7Be)^8Be$ реакцияларидан $^{24}Mg+n\rightarrow^{25}Mg$, $^{24}Mg+p\rightarrow^{25}Al$ ва $^3He+\alpha\rightarrow^7Be$ бир заррали боғланган ҳолатлари учун феноменологик АНД ва СФ қийматларини олиш учун тўлқинларнинг бузилишига асосланган усулдаги таҳлил натижалари келтирилган. Ҳар бир ҳолатда, дастлаб, ДК бурчак тақсимотининг асосий максимум соҳаларида реакцияларнинг периферик бўлишлиги баҳоланди ((2), (5) формулаларга қаранг). Феноменологик АНД қийматларини олиш, экспериментал қийматларга мос келтириш орқали ҳисобланган ДКни (2) бурчак тақсимотнинг асосий максимумига нормировка қилиш орқали амалга оширилди. Ҳисобларда d→p+n конфигурация учун C_d^2=0.774 Фм$^{-1}$, ^{3}He→d+p ва ^{3}H→d+n учун $C_{3He}^2=C_t^2$=4.28 ва ^{6}Li→d+α учун C_{6Li}^2=5.37 ишончли деб топилган адабиётлардаги қийматлари ишлатилди. ДК таҳлилида DWUCK5 программасида бузилган тўлқинлар функциясини ҳисоблаш учун кириш ва чиқиш каналларида χ^2 мезони бўйича оптимал танланган оптик потенциал (ОП) параметрлари ишлатилди. Адабиётларда келтирилган маълумотлар билан бир қаторда яроқли замонавий глобал ОП ишлатилди, бунда эластик сочилиш ДКнинг (жумладан биз томондан ўлчанганлар ҳам бор) сифатли тасвирланиши орқали назорат қилиб турилди. Ҳар бир ДК таҳлилидан олинган АНД ва/ёки СФ қийматлари, бурчак тақсимотнинг асосий максимумида экспериментал нуқталарга сифатли мос келишини эътиборга олган ҳолда, салмоқлари бўйича ўртачалаштирилди.

$^{24}Mg(d,n)^{25}Al$ реакциясининг экспериментал ДК E_d =7, 9 МэВ энергияда, $^{24}Mg(^3He,d)^{25}Al$ реакциясининг экспериментал ДК эса E_{3He} =25.0, 33.3 ва 38.5

МэВ энергияларда таҳлил қилинди (3.1 бўлим). Ушбу реакциялар кўрилган энергияларда периферик эканлиги кўрсатилди, чунки R(b) функция $b_{l,j}$ параметрининг 2.7≤ $b_{l,j}$ ≤5.7 Фм$^{-1/2}$ соҳа оралиғида ўзгариши ^{24}Mg(d,n)^{25}Al реакцияси учун ±4% ва ^{24}Mg(^{3}He,d)^{25}Al реакцияси учун ±8% дан кўп бўлмади. ^{25}Al ядросининг асосий ҳолатида ^{24}Mg+p→^{25}Al учун АНД квадратининг феноменологик қиймати олинди.

^{25}Mg(d,t)^{24}Mg реакциясининг ДК E_d =14.5, 14.8 ва 18 МэВ энергияларда ва ^{24}Mg(d,p)^{25}Mg реакциясининг ДК E_d =13.6 ва 14.5 МэВ энергияларда таҳлил қилинди (3.2 бўлим). Экспериментал ДК 14.5 МэВ энергияда давогар томонидан ўлчанган, улар янги маълумот ҳисобланади. ^{25}Mg(d,t)^{24}Mg реакцияси ўрганилган энергияларда периферик эканлиги кўрсатилди, ^{25}Mg ядросининг асосий ҳолатида ^{24}Mg+n→^{25}Mg конфигурация учун АНД квадратининг қиймати олинди. ^{24}Mg(d,p)^{25}Mg реакцияси периферик эмаслиги ойдинлашди ва ДК таҳлилидан АНД қийматини олиш нотўғри бўлади. АНД квадрати СФ билан (4) ифода билан боғлиқлигидан, ^{25}Mg ядросининг асосий ҳолатида ^{24}Mg+n→^{25}Mg конфигурация учун СФнинг аниқ $Z = 0.41^{+0.13}_{-0.11}$ қиймати олинди, бу ҳолда, b қиймати R(b) нинг маълум «эксперименталь» қиймати билан белгиланади.

3.3 бўлимда ^{3}He+α→^{7}Be конфигурациянинг АНД қийматини олиш мақсадида α –зарралар узатилиш ^{12}C(d,^{6}Li)^{8}Be ва ^{12}C(^{3}He,^{7}Be)^{8}Be реакциялари мос равишда E_d=28 ва E_{3He}=41 МэВ энергияларда таҳлил қилинди. Биринчи реакциянинг ДК таҳлилидан олинган ^{8}Be+α→^{12}C конфигурация учун АНД квадратининг қиймати ^{12}C(^{3}He,^{7}Be)^{8}Be реакциясининг таҳлилида ишлатилди. Шундай қилиб, ^{7}Be ядросининг асосий ва биринчи уйғонган ҳолатларида α+^{3}He→^{7}Be конфигурациясининг АНД квадратлари қийматлари олинди.

Барча кўрилган реакциялар таҳлилидан олинган АНД квадратларининг қийматлари фойдаланилган ОП жуфтликлари бўйича ва реакциянинг кириш каналидаги энергиялар бўйича мос равишда салмоқлари билан ўртачалаштирилди, улар 2 жадвалда берилган.

2-жадвал

АНД квадратларининг феноменологик қийматлари

конфигурациялар	$C^2 \pm \Delta C^2$, Фм$^{-1}$
^{24}Mg+p→^{25}Al	4.57±0.49
^{24}Mg+n→^{25}Mg	1.72±0.07
^{3}He+α→^{7}Be (E*=0)	22.9±0.7
^{3}He+α→^{7}Be (E*=0.430 МэВ)	18.0±0.5

АНД квадратларидаги хатоликлар аниқ ОПдан боғлиқ бўлган ўртача оғишларни, $R(b)$ функциянинг қолдиқ боғлиқликларини ва эксперименталь хатоликларни ўз ичига олади.

^{25}Mg ва ^{25}Al кўзгу ядроларининг асосий ҳолатларида нейтрон ва протонлар учун олинган АНД квадратлари қийматлари бир қатор замонавий

назарий ёндашув ҳисобларидан келиб чиқадиган $C_p^2/C_n^2=b_p^2/b_n^2$ тенглик хатоликлар даражасида бажарилишини билдиради.

